**Олий таълим**

# ИЛМИЙ ИЗЛАНИШЛАР ДАВОМ ЭТАДИ



Ўтган йили бажарилган илмий тадқиқотлар, янгиликлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, 60 нафар фан доктори, профессор, 191 фан номзоди, доцент ва тажрибали ўқитувчилар фаолият кўрсатаётган институтимизда 6 та докторлик, 20 та номзодлик диссертацияси ҳимоя қилинди. Қатор янгиликлар илмий истеъмолга киритилди.

Тиббиёт фанлари доктори Баҳодиржон Давлатовнинг умуртқа поғонаси қўшма ва қўшалоқ шикастланишларида янги даволаш усулларини қўллаши беморлар саломатлигининг тезроқ тикланишига ёрдам бермоқда. Агар авваллари одатдаги усулда хасталикни даволашга 15 кундан ортиқ муолажа талаб этса, жорий этилган янгилик асосида бемор бир ҳафтада оёққа туриши мумкин.

Инсон бош миясида пайдо бўлган ўсмаларни Россиядаги Бурденко номли неврожарроҳлик институти олим-шифокорлари билан ҳамкорликда даволашнинг йўлга қўйилиши бу борадаги муаммоларни ҳал этишда ёрдам бермоқда.

Институтимиз клиник шифохонасининг 2-жарроҳлик бўлими қошида юрак-қон томир жарроҳлик бўлими ташкил этилгани инсоннинг энг нозик аъзосида ёпиқ ва очиқ жарроҳлик амалиётини бажариш имкониятини берди.

Тиббиёт фанлари доктори, профессор Алишер Мадазимов ташаббуси ва саъй-ҳаракати билан вилоят кўп тармоқли шифохонасида пластик жарроҳлик бўлими ташкил этилди. Бугунги кунда ушбу бўлимда дунёдаги куйиш асорати, турли чандиқлар шифокорларнинг малака ва маҳорати билан бартараф қилиняпти.

Институт ректори, тиббиёт фанлари доктори, профессор Мамазоир Хўжамбердиев раҳбарлигида татбиқ этилган юрак ишемик хасталигида бемор нафаси орқали ташҳис қўйиш усули ҳам янгиликлардан бири бўлди.

Бугун институтимиз икки факультетида тўрт йўналиш бўйича 3250 нафар талаба ва магистрантлар таълим олишмоқда.

Институтимизда физика кафедраси доценти Шуҳрат Ғуломов раҳбарлигида ёш олимлар кенгаши фаолият кўрсатмоқда. Даволаш факультети 5-курс талабаси Мунира Исмоилова ҳомиладор аёллардаги юрак-ишемик касалликларига нафас орқали ташхис қўйиш борасида изланиш олиб бориб, дастлабки муваффақиятларга эришди. 7-курс талабаси Нурбек Исҳоқов тиббиёт тараққиёти йўналишида бир қатор мақолалар эълон қилди. Унинг қаламига мансуб мақола Германиянинг Берлин шаҳрида бўлиб ўтган ёш олимлар конференциясига юборилиб, қатнашчилар эътиборини қозонгани ҳаммамизни қувонтиради.

Ҳар бир кафедра қошида илмий тўгараклар фаолияти йўлга қўйилган. Институтимизда халқаро илмий алоқалар ҳам яхши ривож топмоқда. Икки томонлама тузилган ҳамкорлик шартномалари асосида жаҳонда машҳур олий ўқув юртлар, илмий марказлар билан мунтазам турли анжуман ва тадбирлар ўтказилмоқда. Бакулев номли юрак қон-томир жарроҳлиги маркази, Бурденко номли неврохирургия институти, Волгоград Давлат тиббиёт университети, Россия телемедицина маркази билан ҳамкорлик алоқалари йилдан-йилга мустаҳкамланиб бормоқда. Мазкур даргоҳларда фаолият кўрсатаётган таниқли олимлар юртимизга келиб, кўргазмали операциялар ўтказиб, маърузалар ўқиб, ўзаро тажриба алмашмоқда.

«Гиёҳвандлик XXI аср муаммоси», «Профилактик, клиник ва фундаментал кардиологиянинг замонавий муаммолари» мавзуидаги илмий-амалий анжуманлар шулар жумласидандир.

Россия, Германия ва бошқа давлатлар тиббиёт олий ўқув юртлари билан бир неча йилдан буён давом этаётган телекўприклар самарасини алоҳида таъкидлаш лозим. Телекўприк орқали Россия, Германия, Австрия тиббиёт марказлари билан бевосита алоқа ўрнатилиб, етакчи олимларнинг маърузаларини тинглаш имкони яратилган.

Ёшлар йилида эришилган илмий-амалий натижалар барчамизни Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида янада масъулият, шижоат билан ишлашга ундайди.

**Ғуломжон ҲОЖИМАТОВ, Андижон Давлат тиббиёт институти илмий ишлар бўйича проректори, профессор.**

t

## БОШ ВАЗИР АЙБЛАНДИ

*Латвия бош вазири Иварс Годманис республика парламенти (сейм) биноси олдида бўлиб ўтган тартибсизликларга сабабчи бўлди. Шунинг учун у истеъфо бериб, мамлакатни тарк этиши керак. Латвия оғир иқтисодий инқирозни бошидан кечирмоқда. Парламентнинг миллий хавфсизлик бўйича комиссияси аъзоси Линда Мурниеце маълум қилишича, мамлакатнинг шу аҳволга тушиб қолишига Иварс Годманис бошчилигидаги ҳукумат айбдор.*



*Мутахассисларнинг таъкидлашича, ҳозир Европа Иттифоқида энг оғир аҳволга тушиб қолган мамлакат Латвиядир. РИА Новости хабарига кўра, 2008 йилнинг учинчи чорагида мамлакатда ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулот ҳажми 2007 йилнинг шу даврига нисбатан 4,6 фоизга қисқарган. Ҳукумат тангликни бартараф этиш мақсадида давлат ташкилотлари харажатларини 15 фоизга камайтириш, бюджетдан маош оладиганлар ойлигини «музлатиш», солиқларни оширишга қарор қилди. Бу саъй-ҳаракатлар ўз навбатида аҳоли ўртасида кескин норозилик келтириб чиқарди ва мамлакатда оммавий норозилик намойишлари бошланди. Ўтган сешанба куни мингдан ортиқ намойишчилар парламент биносини тошбўрон қилишди. Намойиш иштирокчилари ҳукуматдан сеймни тарқатиб юборишни талаб қилди. Тартибсизлик натижасида парламент биноси деразалари синган, бир нечта полициячи яраланган, дўконлар зарар кўрган.*

*Мурниеценинг айтишича, халқнинг шундай аҳволга тушиб қолишида бош вазир Иварс Годманис бошчилигидаги ҳукумат айбдор. Содир бўлган тартибсизликлар учун жавобгарликни ҳам ҳукумат зиммасига олиши керак.*




## 50 МИЛЛИАРДЛИК ПУЛ БИРЛИГИ

*Зимбабве ҳукумати 50 миллиардлик Зимбабве долларини чиқарди, деб хабар беради ИТАР-ТАСС. Бу қийматдаги пулга учта газета харид қилиш мумкин, чунки 50 миллиард Зимбабве доллари 1,25 АҚШ долларига тенг. Кучли пул қадрсизланиши туфайли мазкур пул қиймати бир ҳафта олдин 2,2, икки ҳафта аввал эса 3,3 АҚШ долларига тенг бўлган. 2008 йилнинг декабрида мамлакатдаги энг йирик пул бирлиги 10 миллиард доллар эди.*

## ШОКОЛАД, ЧОЙ ВА КОФЕ УМРНИ УЗАЙТИРАДИ

АҚШ ва Европа Иттифоқи олимлари ҳамкорликда инсон умрини узайтиришга хизмат қиладиган йигирмата маҳсулот рўйхатини тузди. У сўнгги йилларда мутахассислар ўтказган тадқиқот натижаларига асослангандир. Бу маҳсулотлар инсон жисмида биокимёвий жараёнлар соғлом кечишига ёрдам беради, дейилмоқда. Шундай маҳсулотлар орасида шоколад, чой ва кофе ҳам бор. Олимларнинг айтишича, улар тўқималарни тиклаш ва уларнинг умрини узайтиришга хизмат қилади.

## ВАШИНГТОНДА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТ

*АҚШнинг янги президенти Барак Обаманинг қасамёд қабул қилиш маросимига бир ҳафта қолганда амалдаги президент Жорж Буш Вашингтонда фавқулодда вазият эълон қилди. Бундан кўзланган мақсад хавфсизликни таъминлаш чораларини кўришдир. ИТАР-ТАСС хабарига кўра, Буш инаугурация маросимини ўтказиш учун федерал ҳукуматдан шаҳар ҳокимиятига қўшимча ёрдам сўради. Оқ уйнинг расмий вакили Дан Перино маълум қилишича, ҳукумат бу чора-тадбирга 15 миллион доллар ажратишни режалаштирган.*




## ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

***қуйидаги бўш (вакант) доцент, катта ўқитувчи ва ўқитувчи (ассистент) лавозимларига битим асосида***
**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

Физика ва уни ўқитиш методикаси, Ўзбек тилшунослиги кафедралари доцентлигига;

Иссиқлик физикаси ва энергетикаси, Зоология ва агротупроқшунослик, Умумтехника фанлари ва меҳнат, Жаҳон тарихи ва археология, Математик анализ ва алгебра, Инглиз тили ва адабиёти, Ўзбекистон тарихи, Ўзбек адабиёти, Ўзбек тилшунослиги, Педагогика кафедралари катта ўқитувчилигига;

Инглиз тили ва адабиёти, Немис тили, Ўзбек тилшунослиги, Рус тили ва адабиёти, Миллий ғоя, ҳуқуқ ва маънавият асослари, Француз тили, Мусиқа, Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси, Амалий математика ва информатика кафедралари ўқитувчилигига;

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:**

1. Ректор номига ариза;
2. Шахсий варақа;
3. Олий маълумоти, илмий даражаси ва илмий унвонлари ҳақидаги дипломлар нусхалари;
4. Илмий ишлар рўйхати;
5. Малака оширганлиги тўғрисидаги гувоҳнома.

*Ҳужжатлар эълон қилинган кундан бошлаб бир ой муддат ичида қабул қилинади.*

**Манзил:** 730003, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17-уй.

**Телефон: (8.375) 225-34-13, 225-62-92, факс: 225-57-01**



## «Шаҳрисабз-консерва» АЖ кредиторлари диққатига!

***Қашқадарё вилояти хўжалик судининг ҳал қилув қарори билан банкрот деб топилган «Шаҳрисабз-консерва» АЖнинг навбатдан ташқари кредиторлар қўмитаси ва кредиторларнинг умумий йиғилиш мажлиси 2009 йил 21 январь куни соат $12^{00}$ да «Шаҳрисабз-консерва» АЖнинг маъмурий биносида ўтказилади.***

Йиғилиш кун тартибидаги масалалар:

*1. Тугатиш бошқарувчисининг ҳисоботи.*
*2. Бошқа масалалар.*

Барча кредиторлар ўзлари билан қарздорликни тасдиқловчи солиштирма далолатномалар ва бошқа кредиторликни тасдиқловчи ҳужжатлар билан келиши шарт. 2009 йил 21 январь кунига кредиторлик қарзини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этмаган шахслар кредиторлар (бир йил давомида кредиторлик талабини билдирмаган ҳисобланади) реестрига киритилмайди.

***Қўшимча маълумот ва саволлар учун телефонлар: 8(375) 522-60-40, 522-76-93.***


# ТАРАҚҚИЁТ САРИ

## Электрон тижорат

*БМТ Тараққиёт Дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси*

*Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги*

ICT POLICY

*БМТТД нинг «АКТ сиёсати» лойиҳаси*

Электрон тижорат бу — ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган товарларни сотиш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатишга доир тадбиркорлик фаолиятидир.

Маҳсулот етказиб беришнинг электрон тижорат шаклида товарларни танлаш ва улар учун буюртма бериш компьютер тармоқлари орқали бажарилади, харидор билан етказиб берувчи ўртасидаги ҳисоб-китоблар эса электрон тўлов ҳужжатларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади. Бунда хусусий шахслар ҳам, юридик шахслар ҳам товарлар (ёки хизматлар) харидори бўлишлари мумкин.

Электрон тижорат деганда наинки Интернет билан боғлиқ тизимлар, балки бошқа коммуникация муҳитларидан фойдаланувчи «электрон дўкон»лар ҳам тушунилади. Айни пайтда WWWдаги ахборотга асосланган, лекин маълумот алмашиш учун мобил телефон, факс, телефон ва шу кабилардан фойдаланиладиган сотув процедуралари электрон тижорат тоифасига фақат қисман киритилиши мумкин. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш зарурки, WWW электрон тижоратнинг технологик базаси эканлигига қарамай, бир қанча тизимларда бошқа коммуникация имкониятларидан ҳам фойдаланилади. Чунончи, товар параметрларини аниқлаштириш ёки буюртмани расмийлаштириш учун сотувчига сўровномалар электрон почта, GPRS, SMS ва шу кабилар орқали ҳам юборилиши мумкин.

Электрон тижорат B2B (бизнес — бизнесга), B2G (бизнес — давлатга), B2C (бизнес — мижозга), C2C (мижоз — мижозга), G2B (давлат — бизнесга) каби йўналишларга бўлинади. Айни пайтда унинг B2A (бизнес — маъмуриятга), A2B (маъмурият — бизнесга): шунингдек, B2G ва G2Bга тенг бошқа турлари ҳам мавжуд.



Ўзбекистонда бу йўналишдаги ишлар жадал суръатлар билан олиб борилаяпти. Шу ўринда аввало электрон банкинг тизими ривожланаётганлигини таъкидлаб ўтиш лозим. У юридик шахсларга ўз ҳисобварақларидан тўловларни амалга ошириш, жисмоний шахсларга эса ўз ҳисобварақларининг ҳолати тўғрисида ахборот олиш имконини бермоқда. Шунингдек, аҳолидан тўловларни қабул қилувчи банкдан ташқари сектор ривожланаётгани ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш жоиз. Paynet, E-pay, Fast-pay, Unipay, Cyberplat каби ва бошқа савдо маркалари билан ишлаётган компаниялар бунга мисол бўла олади. Бугунги кунда улар кенг тармоқли агентлар, аҳоли кириши учун очиқ жойлардаги пунктлар билан ишлаш баробарида аҳолидан уяли алоқа, Интернет-провайдерлар, халқаро телефон алоқаси операторларининг хизматлари учун тўловларни қабул қилмоқда. Тошкент шаҳрида ҳам шаҳар телефон алоқаси хизматлари, электр энергияси ва табиий газдан фойдаланганлик учун улар орқали ҳақ тўлаш мумкин. Бундай хизматларнинг қулайлиги шундаки, уларда агентлар миқдори жуда кўп, белгиланган миқдорлар доирасидаги ҳар қандай суммани тўлаш мумкин. Агентлар ўз хизматлари учун тўлов суммасидан ўртача 2 фоиз ҳақ оладилар.

Эндиликда мобил телефон орқали Интернет тармоғида товарлар ва хизматлар учун ҳақ тўлаш имкониятини таклиф этувчи eKarmon, Web Money Uzbekistan, Mobliss, Soqqa каби тўлов операторлари ҳам пайдо бўлди. Улар юқоридаги хизматлардан ташқари, ўз мижозларига халқаро телефон алоқаси хизмати учун ҳақ тўлаш, тушликлар етказиб берувчи ресторанлар ва Интернет-дўконлардан харидларни амалга ошириш имконини бермоқда.

### КОМПЬЮТЕРНИ ХАВФЛАРДАН САҚЛАШ БЎЙИЧА МАСЛАҲАТЛАР

1. Компьютерингиз ва электрон почтангизга кириш учун ишлатиладиган пароллар оддий бўлмаслиги ва шахсий маълумотлар, яъни ўз исмингиз, фарзандларингиз исми, туғилган кунлари каби маълумотларни ўз ичига олмаслиги керак. Паролнинг узунлиги 8 та белгидан кам бўлмасдан, бош ҳарфлар ва кичик ҳарфларнинг кетма-кетлигидан иборат бўлиши ва унга $,% сингари бошқа махсус белгиларни қўшиш тавсия этилади.
2. Иш столингизда махфий файлларни жойлаштирманг. Агар иш ўрнингизни тарк этсангиз ёки узоқ муддатга компьютердан йироқлашсангиз, экранни чеклаб қўйишни унутманг.
3. Баъзи ҳолларда ғараз ниятли кимсалар сизнинг электрон почтангизга (дўстларингиз ёки қариндошларингиз номидан) маълумотларни, паролни бериш ва банкдаги ҳисобрақамига пул ўтказиб бериш ҳақида хат юборадилар. Бундай ҳолда эҳтиёт бўлинг, чунки уларни Интернет-фирибгарлар ғаразли ниятда жўнатишлари мумкин. Шунингдек, нотаниш манзил ёки кимсадан келган хатни олганингизда ҳушёр бўлинг, реклама тарзидаги сарлавҳа билан бошланган хатларни эса очманг.
4. Компьютер, электрон почта ва ташқи дискларни текшириш учун антивирус, яхшиси лицензияланган дастурни ўрнатинг. Компьютерни турли зарарли вирусларни аниқлаш мақсадида мунтазам равишда тўлиқ текширувдан ўтказиб боринг.
5. Муҳим ҳужжатлардан доимо нусха кўчириб, сақлаб қўйишни унутманг. Зеро, компьютер бузилиши ва ундаги барча маълумотлар изсиз йўқолиши мумкин. Шу боис маълумотларни тезда қайта тиклаш учун уларнинг нусхасини CD-дисклар (масалан, CD-дисклар)га кўчириб қўйинг.

### ВИКТОРИНА САВОЛЛАРИ:

1. 1-компьютер ўйини қачон ва ким томонидан ишлаб чиқилган?
2. Компьютер ўйинларининг қандай классификациялари мавжуд?
3. Fighting билан Shooter орасидаги фарқ нимадан иборат?

***Жавобларни қуйидаги манзилга:***

*Тошкент, 100084, Амир Темур кўчаси, 108-уй, 5-қават, БМТ Тараққиёт дастурининг «АКТ сиёсати» лойиҳасига ёки taraqqiyot@ctp.uz электрон манзилига юборишингиз мумкин.*

*Хатда «Ўзбекистон овози» — «Тараққиёт сари» викторинасига деб кўрсатишни унутманг.*

**АНОНС:**

**ICTP лойиҳаси билан ҳамкорликда тайёрланаётган АКТ соҳасидаги навбатдаги саҳифада «Компьютер ўйинлари» мавзуси атрофлича ёритилади.**

t


## «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат-акциядорлик темир йўл компанияси

***кийим, махсус пойабзал ҳамда шахсий ҳимоя воситаларини етказиб бериш бўйича саралаш танловини эълон қилади.***

Талабномалар танлов ўтказиш оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган кундан бошлаб 2 ҳафта ичида қабул қилинади. Тадбирда қатнашиш истагини билдирувчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши шарт:

1. Рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги гувоҳнома
2. Таклиф этилаётган маҳсулотнинг мувофиқлик сертификати
3. Корхона директорининг паспорт нусхаси
4. Давлат солиқ инспекциясидан корхонанинг қарзлари тўғрисидаги маълумотнома
5. Маҳсулот нархи калькуляцияси
6. Корхона Низоми ёки нусхаси



**Маълумот учун телефонлар: 237-91-66, 237-94-79 ёки мурожаат этиш учун манзил: Тошкент шаҳри, Т.Шевченко кўчаси, 7-уй. «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат-акциядорлик темир йўл компанияси «Темирйўлёнилгитаъмин» бошқармаси, 416-уй.**

